

«Қуръони Карим мусобақаси 1442» ҳифз йўналишининг илк саралаш босқичи



20:16 / 06.01.2021 1242

Қуръони Каримни ўрганиш, уни ҳаётимизга татбиқ этиб, Аллоҳ таоло буюрганидек уни тиловат қилиш барча мўмин муслмонларнинг зиммасидаги муҳим вазифадир.

Бугун 6 январь куни Ўзбекистон муслмонлари диний идораси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва AzonTV илмий-маърифий онлайн телеканали бошчилигида ташкил этилган устоз Зайниддин қори Муҳаммад Юсуф хотираларига бағишланган «Қуръони Карим мусобақаси 1442» танловининг «Ҳифз йўналиши» бўйича 10 та иштирокчининг саралаш босқичи ўтказилмоқда. Ушбу саралаш танлови AzonTV онлайн телеканали ва Quran.uz расмий саҳифаларида тўғридан-тўғри намоиш этилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, куни кеча «тиловат йўналиши» даги ўн иштирокчиларнинг билет танлаш босқичи ўтказилди. Ушбу гуруҳдаги ғолиблар эртага соат 20:00 да эълон қилинади.

Барчангизни Қуръон байрамига таклиф қиламиз.

Қуръон мусобақасини қуйидаги манзилларда томоша қилишингиз мумкин:

<https://youtu.be/wj0lJNpq9gA>

<https://youtu.be/c8asHR7zeTUe>





